SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 11-OKTABR ■ SHANBA ■ 120 (27.140) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН — ГРУЗИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9-10 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Грузияда бўлди.



Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга берган интервьюсида ушбу ташриф мақсадларига тўхталар экан, ўзаро муносабатларни таҳлил этиш ва истиқболдаги тараққиёт, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалаларини таъкидлади. Бу борада Грузия билан тўла ҳамфикрлик мавжудлиги Президентимиз самолёти Тбилиси аэропортига қўнгандаёқ намоён бўлди. Грузия ташрифга катта тайёргарлик кўрган — аэропорт ва шаҳар кўчалари икки давлат байроқлари билан безалган, мамлакатнинг ҳаво дарвозасида эса Ислом Каримовнинг сурати ва «Xush kelibsiz, muhtaram Prezident!» сўзлари барчанинг нигоҳини тортиб турарди.

Президентларнинг Крцанис ҳукумат қароргоҳидаги дўстона мулоқотида тилга олинган мавзулар қамрови жуда кенг бўлди. Икки томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, қатор халқаро муаммолар, хавфсизлик, дунёвий ва минтақавий миқёсда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан бафуржа фикр алмашилди.

Сафарнинг иккинчи куни кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Унда Президентлар суҳбатида кўрилган масалалар янада кенг қамровда муҳокама этилди.

Музокаралар якунида ташкил этилган матбуот анжуманида мулоқотдан, сиёсий ҳамкорликнинг ҳамда турли миқёсдаги бевосита алоқаларнинг ҳозирги даражасидан қониқиш ҳосил қилингани таъкидланди.

Грузия раҳбари икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига тўғри келиши, бунга эса манфаатлар уйғунлиги асос бўлишини қайд этар экан, Ислом Каримов билан суҳбат ажойиб кечганини ва мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Биз нафақат ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилдик, балки алоқаларни ривожлантириш учун қандай восита ва ресурсларимиз борлигини яна бир қайта кўриб чиқиб, бу борада барча имкониятларни ишга солишга келишиб олдик, деди Э.Шеварднадзе.

Ислом Каримов Тбилисида самимий эҳтиром гувоҳи бўлгани, ушбу ташриф муносабатларни таҳлил этиш, янги имкониятларни ўрганиш ва долзарб халқаро муаммолар ҳамда дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидлаб, ўзаро ишонч ва ҳурмат, анъанавий дўстлик руҳидаги мулоқот муҳити учун Грузия томонига миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат раҳбарлари тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида БМТ, МДҲ, ЕҲҲТ ва бошқа халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Террорчилик, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси билан шуғулланувчи уюшган жиноятчилик каби иллатлар таҳдидига қарши биргаликда кураш масаласида ҳам томонлар фикри ўхшаш. Марказий Осиё ва Кавказнинг барқарорлиги муайян даражада Афғонистон ва Жанубий Кавказдаги вазиятга ҳам боғлиқ. Томонлар бу йўналишда ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирар экан, Афғонистондаги тикланиш билан боғлиқ лойиҳаларда биргаликда қатнашиш истагини баён қилди.

Президентлар савдо-иқтисодий муносабатлар кўлами салоҳият ва имкониятлар даражасида эмаслигини таъкидлади. Бунинг асосий сабаби коммуникация соҳасидаги объектив ва субъектив муаммолардир. Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе бу хусусда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Бу комиссия мазкур соҳадаги асосий мувофиқлаштирувчи органдир. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламининг ошиши эса бутун Ўзбекистон — Грузия муносабатлари мажмуининг барқарор ва узоқ муддатли тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис Президентлар ҳукуматларга мазкур комиссияни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш борасида эришилган келишувлар ижросининг амалий чораларини кўриш вазифасини юклади.

Ташрифнинг бевосита иқтисодий соҳага оид амалий натижаларидан яна бирини матбуот анжуманида Ислом Каримов эълон қилди. Президентимиз Грузия томони Поти бандаргоҳидан фойдаланиш бўйича янги имтиёзлар тизимини таклиф этгани ва Ўзбекистон уни қабул қилишини мамнуният билан таъкидлади. Бу Потининг Болтиқбўйи ва Араб денгизидаги бандаргоҳлар билан рақобатлашувига имкон яратгани ҳолда, Ўзбекистон учун янги қулайлик ҳамдир.

Ўзбекистон ва Грузия замонавий Буюк ипак йўлини вужудга келтириш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидандир. Дунёда Кавказ орқали Европа ва Осиёни боғлайдиган бу транспорт тармоғига қизиқиш кундан-кунга ортмоқда. Э.Шеварднадзенинг таъкидлашича, янги Буюк ипак йўли аллақачон амал қиляпти. Унингсиз Европа ва Осиёнинг алоқасини тасаввур қилиш мушкул. Яқинда оғир юк ташувчи автомобилларнинг биринчи карвони Брюсселдан Афғонистонга етиб боргани бунинг тасдиғидир. ТРАСЕКА қатнашчилари олдида турган вазифа эса ушбу йўл бўйида инфратузилмани ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат. Лойиҳани Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаши, АҚШ Конгрессида унга алоҳида аҳамият билан қаралиши яхши маълум.

Шу боис Президентлар Ўзбекистон — Грузия иқтисодий муносабатларининг муҳим бўғинини ташкил этувчи транспорт коммуникациялари масаласини теран таҳлил этди. Шунингдек, савдо-сотиқ борасида анъанавий маҳсулотлар билан чекланмасдан, янги товарлар олди-сотдисининг имкониятлари кўриб чиқилди. Грузия томонининг фикрича, биздан фақат пахта ё транзит юк эмас, буғдой экспорт қилиш мумкин. У ёқдан боғдорчилик маҳсулотлари, цитрус мевалар, чой келтириш имконияти бор. Бу масалаларга, таъкидланганидек, ҳукуматлараро комиссия аниқлик киритиб, ечим топиши керак.

(Давоми 2-бетда.)

ИЖТИМОИЙ МАЖМУА МАЖЛИСИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуида 2003 йилнинг тўққиз ойлик якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Уни Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев бошқарди.

Мажлисда Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Обод маҳалла йили» дастурининг ижросини таъминлаш борасида юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Маҳаллаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Шу билан бирга аҳоли ўртасида маънавий-маданий ишларни янада жонлантириш, айниқса, ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият бериш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишиши давлат сиёсатининг устувор тамойилларидан саналади. Бу борада, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ёш авлодни оммавий спортга кенг жалб этиш, спорт иншоотларини қуришни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Ўтган вақт мобайнида ижтимоий соҳада кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга оширишда муайян натижаларга эришилди. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичида кўзда тутилган кенг миқёсли, республикамиз таълим тизимининг барча йўналишларини қамраб олган вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда. Жаҳон андозалари даражасидаги илм масканлари — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилмоқда. Мажлисда ана шу илм масканларидаги таълим-тарбия ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам тизими — Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, вилоят марказлари ва туман марказий шифохоналарида ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилгани аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминламоқда. Тез тиббий ёрдам муассасалари замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Аҳолига, энг аввало қишлоқ жойлардаги аҳолиға бирламчи тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш тизими ислоҳ қилинмоқда. Республика туманларида замонавий тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилмоқда.

Мажмуа таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда хусусийлаштиришнинг бориши, уларнинг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги, бу соҳадаги камчиликлар таҳлил қилинди ва уларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Ошкора ва танқидий руҳда ўтган мажлисда Ижтимоий мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятида талайгина камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Уларни бартараф этиш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ XXI АСРДА

Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганига 85 йил тўлди. Шу муносабат билан мазкур таълим даргоҳида «Университет XXI асрда: натижалар ва истиқболлар» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари, мамлакатимиз ва хориждаги олий ўқув юртлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори, академик Т.Долимов очар экан, ушбу таълим даргоҳининг турли соҳаларда етук мутахассислар тайёрлаш борасидаги ютуқлари нафақат мамлакатимиз, балки минтақа давлатлари илм-фани, халқ хўжалиги, халқаро алоқалари ривожига қўшаётган ҳиссаси катта эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз Президентининг Фармонига биноан Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларининг буюк хизматлари эътироф этилиб, университет жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳияти, халқаро нуфузи назарга олинган ҳолда мазкур олий ўқув юртига «Миллий университет» мақоми берилиши тарихий ҳақиқатнинг тикланишида муҳим аҳамият касб этди.

2003 йилда университет олимлари Фан ва технологиялар маркази томонидан эълон қилинган танловда 98 илмий мавзу, еттита инновация бўйича грант соҳиби бўлди. 425 минг АҚШ доллари миқдорида чет эл гранти асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Азизхўжаев, Ўзбекистон Қаҳрамонлари О.Шарофиддинов, Э.Воҳидов, А.Орипов, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Париж Сорбонна университети президенти К.Шатюиза, Москва давлат университети проректори В.Мамонтов ва бошқалар сўзга чиқди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов иштирок этди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири



Суратдаги ёшлар истиқлол фарзандлари, Ўзбекистон Миллий университети талабалари

Тадбиркорлик

«РОМСИБ»НИНГ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Ромитанлик оға-ини Каттаевларнинг саъй-ҳаракати билан «Амалдор» қишлоғида ташкил этилган «Ромсиб» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ўз имкониятларини кун сайин кенгайтирмоқда. Қўшма корхона жамоаси илгари тумандаги катта қурилишларни Сибирдан олиб келган ёғоч материаллари билан таъминларди. Улар бу билан қаноатланишмади. Марғилондан олиб келинган пилла буғлатиш ва ундан ипак тола йигириш дастгоҳи ўрнатилди. 36 нафар хотин-қиз ишлаётган цехда ҳар йили 70 тонна пилла қайта ишланяпти. Яқинда эса тадбиркорлар пахта ипи қалавасидан пахмоқ сочиқлар ишлаб чиқарувчи цехни ишга туширдилар.

Даврон БАҲРОНОВ

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Долзарб мавзу

ОБИ ҲАЁТ

ДУНЁНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОСИ — СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ҚАНДАЙ БАРҲАМ БЕРИШ МУМКИН? БУНДА БИЗ — ИНСОНЛАР НИМАЛАРГА АМАЛ ҚИЛМОҒИМИЗ ЛОЗИМЛИГИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Қадим Шарқ фалсафаси бўйича бутун борлиқ тўрт унсур — сув, ҳаво, тупроқ ва оловдан иборат. Ер юзининг 70 фоизи сув билан қопланган. Ана шу сувнинг атиги 2,5 фоизини ичимлик суви, фан тили билан айтганда, чучук сувлар ташкил этади. Инсоният эса дунёдаги чучук сувларнинг 1 фоизидан ҳам кам миқдоридан ўз истеъмоли учун фойдаланар экан. Инсон танасининг эса 70-85 фоизи сувдан иборат бўлиб, у доимий тарзда янгиланиб, тўлдирилиб турилади. Сувнинг инсон ҳаётидаги ўрнини англаган одамзод қадим замонлардан бошлаб дарё ва кўллар бўйида яшашга интилган, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланган. Сув шундай тенгсиз қимматбаҳо бойликки, усиз ер юзида ҳаёт бўлмайди.

Ота-боболаримиз сувнинг қадрини жуда қадим замонлардан чуқур англаб етганлар. Бугунги кунда инсоният ер юзида яшаб қолиши учун техника, космос мўъжизалари эмас, энг аввало, ичимлик сувининг етарли бўлиши лозимлигини яхши англаб етди. Айниқса, Африка, Осиё қатъаларида ичимлик суви жуда тансиқ, кейинги даврда Африкадаги Саҳрои Кабирнинг жануб томон силжиб боришидан кўпгина сув ҳавзаларини қумликлар қоплади. Маълумотларга қараганда, кейинги йилларда қурғоқчилик ва у келтириб чиқарган очарчилик натижасида 1 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлган, 30 миллиондан ортиқ кишининг эса ҳаёти хавф остида.

4-бет

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

МАЪРИФАТНИНГ УЛУҒ МАНЗИЛИ

Маърифат — бу улуғ манзил. Аждодларимиз томонидан яратилган, дунёни ларзага солган кашфиётлар мажмуи бу. Жаҳон олдидаги ўрнимиз, қудратимиз бу. Олам аро акс-садо берадётган овозимиз бу. Мамлакатимиз иқболи, ифтихори, Мустақиллигимиз пойдевори бу. Халқимиз ўз Йўлбошчиси раҳбарлигида интилаётган буюкликдир бу!

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети салкам бир аср давомида нафақат мамлакатимизда, балки Ўрта Осиё минтақасидаги илк замонавий олий таълим муассасаларидан бири сифатида зиё таратиб келмоқда.

2-бет

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

ЙИЛЛАР, ИЗЛАНИШЛАР, ИСТИҚЛОЛ ИСТИҚБОЛЛАРИ

❑ Тошкент Давлат университети (ЎзМУ)га 1918 йил 12 майда жадид зиёлилари томонидан асос солинди.

❑ 2000 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Тошкент Давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақоми берилди.

❑ ЎзМУда 15 та факультет, 120 та кафедра мавжуд, уларда мингга яқин профессор-ўқитувчи (шундан 20 дан ортиғи академик, 185 нафари фан доктори, профессор, 500 дан ортиғи фан номзоди, доцент) фаолият кўрсатади.

❑ Университетда бакалавр таълим босқичи бўйича 29 йўналиш, магистратурада 101 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланади.

❑ Университет қошида икки институт, икки академик лицей (Амалий физика илмий-текшириш ва Олий педагогика институтлари ҳамда С.Сирожиддинов номидаги ва Собир Раҳимов академик лицейлари) ташкил этилган.

❑ Ўзбекистон Миллий университети жаҳоннинг «Евроазия», «Интас», «Сорос», «Темпус», «Сумитомо», «Инко коперникус» «Фулбрайт» каби халқаро лойиҳалар танловларида иштирок этиб, ғолиб бўлмоқда.

❑ Маърифат масканида олий таълим сифатини ошириш мақсадида информацион технологиялар ўқув-илмий ва тиллар марказлари, шунингдек халқаро, илмий тадқиқот ва аспирантура бўлимлари доимий ишлаб турибди.

❑ Университетда профессор-ўқитувчи ва талабаларга ижтимоий кўмак берувчи ўнга яқин жамоат ташкилотлари фаолият олиб боради.

❑ ЎзМУ 1000 ўринли муҳташам маданият саройи, универсал йирик кутубхона, спортсоғломлаштириш заллари, 10 та ётоқхона, нашриёт, босмахона ҳамда компьютер ва Интернет марказларига эга.

❑ 85 йил ичида университет халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун 110 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ тайёрлади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу ерда шаклланган математика, амалий математика, геология, ўзбек адабиёти тарихи, шарқшунослик, кимё, ҳозирги замон ўзбек адабиёти, таржима назарияси, физика, тарих, миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти каби фанлар илмий мактаблари довруғи дунё бўйлаб таралди. Республикамиздаги қатор олий ўқув юртлари учун ўзига хос маёқ вазифасини ўтаган университетда яратилган номзодлик, докторлик ишлари, монография, ўқув қўлланмалар, дарсликлар 85 йил давомида халқимизга илм, маърифат йўлини кўрсатиб келди. Ушбу муборак маскан талабалари орасидан давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, халқ шоирлари етишиб чиқди.

Университет босиб ўтган тарихий йўл икки даврга бўлинади. Бу мамлакат мустақиллигигача бўлган вақт ҳамда миллий истиқлолга эришган даврлардир.

Барча соҳада бўлгани каби университет тарихида ҳам мустабид тузум ўз изларини қолдирди. Илм масканининг юзлаб ўқитувчи ва талабалари қатағон қурбони бўлдилар. Жаҳон фани учун янгилик бўлган кашфиётлар, тадқиқотлар эътироф этилмади. Миллат зиёлилари таъқиб этилди. Бугун уларнинг порлоқ хотираси олдида бош эгамиз. Улар орзу қилган озодлик, етолмаган буюк манзилларга бугунги юрт ҳур фикрли фарзандлари етиб боришига ишонамиз.

Университетга узоқ йиллар раҳбарлик қилган буюк математик олимлар, академиклар Тошмуҳаммад Саримсоқов, Обид Содиқов ва Саъди Сирожиддиновларга Президентимиз Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени берилди.

МАЪРИФАТНИНГ УЛУҒ МАНЗИЛИ

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедраси мудири, таниқли адабиётшунос олим Бегали Қосимов бир гуруҳ шогирдлари даврасида

Мустақиллигимиз университет тақдирида буюк бурилишлар ясади. Юзлаб ёш истеъдодлар жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юртларига ўқишга юборилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқиб таълим-тарбия жараёни, илмий-тадқиқот ишлари замон талаблари даражасига олиб чиқилди. Дунёнинг кўплаб машҳур олий даргоҳлари, фан, таълим йўналишидаги жамғармалар билан халқаро алоқалар ўрнатилди.

Биргина мисол, университет математика мактабининг истеъдодли давомчилари ака-ука Фарҳоджон ва Олимжон Эшматовлар бугунги кунда Американинг энг нуфузли Корнелл университетида — Фарҳод докторантурада, Олимжон магистратурада таҳсил олиб, Ватанимиз шон-шуҳратини янада баланд кўтармоқда.

Университет тарихида, бутун миллат маънавий оламида улкан воқеа сифатида эсланадиган бир сана бор. Бу 2000 йилнинг 28 январи. Шу куни муҳтарам Президентимизнинг «Тошкент Давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақомини бериш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мана шу муқаддас кунда университет тарихида янги саҳифа очилди. Бу мамлакат ҳаётида, мустақиллик тақдирида, миллат келажагида Ўзбекистон Миллий университетининг ўз ўрни борлиғининг эътирофи, ёрқин ифодаси эди.

Ушбу муҳим ҳужжатда таъкидланганидек, бу юксак ишонч университет профессор-ўқитувчилари, оловқалб талабалари зиммасига улкан масъулият юклайди. Фармонда кўрсатиб ўтилганидек: **« ...ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини камол топтириш, уларни мустабид тузум йилларида қатағон қилинган фидойи ватандошларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, халқимизнинг беқиёс илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш...»** университетнинг асосий вазифаси сифатида белгилаб берилди.

Биз ўйлаймизки, 85 ёшини қаршилаётган кўҳна ва ҳамиша навқирон, республика олий ўқув юртларининг сардори Миллий университетимиз бу юксак ишонч, олий мартаба, буюк мақсадларни уддалаб, дунёнинг нуфузли олий ўқув юртлари қаторидан ўрин олади.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

❖❖❖

Эркин БОТИРОВ олган суратлар.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 1997 йилдан чиқа бошлаган илмий журнали «ЎзМУ хабарлари»нинг навбатдаги сони университетнинг 85 йиллик юбилейига бағишланди.

ЎзМУ ХАБАРЛАРИ

Журнал саҳифаларида бугунги ўзбек фанининг долзарб муаммоларини қамраб олган илмий тадқиқотлар ўрин олган. Геология, химия, биология, физика, тупроқшунослик, география, информатика, математика, тарих, тилшунослик, психология, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, журналистика, фалсафа каби йўналишларда олиб борилаётган ишлар натижалари, эътирофлар, вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мутахассисликлар бўйича тайёрланаётган монографиялар, номзодлик, докторлик ишлари, халқаро анжуманларда талабалар ва профессор ўқитувчиларнинг иштирок этиши каби масалалар атрофлича ёритилган.

Профессор Ш.Раҳматуллаев қаламига мансуб «Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги тараққиёт босқичида пайдо бўлган айрим мунозарали масалалар ҳақида», Э.Ғозиеванинг «Олий мактаб психологиясининг долзарб муаммолари», Қ.Эрназаровнинг «Журналистика Узбекистана в контексте новых технологий» каби мақолалари ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Ушбу изланишлар университет жамоасининг илмий салоҳияти истиқлол йилларида янада юксалиб бораётганидан далолат беради.

Маъмуржон МАҲМУД, ЎзМУ талабаси

ЎЗБЕКИСТОН — ГРУЗИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимизнинг Грузияга ташрифи ўзаро муносабатлар ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Консуллик конвенцияси, Ўзбекистон ҳукумати билан Грузия ҳукумати ўртасида психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик, фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари, даврий нашрлар ва китоб маҳсулотларини айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Булар Ислом Каримовнинг Тбилисига сафари нечоғли самарали кечганини кўрсатади. Таъкидламоқ жоизки, ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар бошида бевосита икки мамлакатнинг Президентлари туради. Уларнинг ҳамфикрлиги, муштарак мақсадлар йўлидаги интилишлари мамлакатларимиз муносабатлари ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг яққол тасдиғи сифатида сафар асносида Ислом Каримов Грузиянинг юксак мукофоти билан тақдирланганини келтириш мумкин. Ислом Каримов Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун мамлакатнинг хориж фуқароларига бериладиган олий мукофоти — «Охрус верди» ордени билан тақдирланди. Грузия ва Ўзбекистон алоқаларини равнақ топтиришга қўшган катта ҳиссаси учун Грузия Президентига давлатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени топширилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Грузияга давлат ташрифи истиқболда катта самара берадиган кўплаб амалий натижалар билан якунланди. У икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очиши шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Тбилиси — Тошкент.

❖❖❖

Суратда: ташриф пайти **Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат**

КУЗ КЕЧИККАННИ КЕЧИРМАЙДИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилиш воҳа пахтазорларида етиштирилган ҳосилни тез ва соз, нобудгарчиликсиз йиғиб-териб олиш масаласига бағишланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Вилоят далаларида 410 минг тонналик улкан хирмон бунёд этишга етарли ҳосил бор ва уни қисқа муддатларда саранжомлаб олишда имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Бу йил ғўзанинг етилиши нисбатан кечикканини ҳисобга олиб, барча майдонларни тўлиқ дефолиация қилиш тавсия этилган эди. Лекин Қарши, Ғузор, Қамаши, Яккабоғ туманларида бу тадбир сифатсиз ўтказилиб, вақт бой берилмоқда.

Йиғилишда барча туманларда ғўза дефолиациясини 15 октябргача тугаллаш, теримчи ва хашарчиларга қулай шароит яратиб бериш, уларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, вилоятдаги мавжуд пахта териш машиналарини юксак унум билан ишлатиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

(ЎзА)

Кеча ва бугунги талаба

ҲАЁТИМИЗ ОЛТИН ОНЛАРИ

Ҳалим САИДОВ, «Маърифат» газетаси бош муҳаррири:

— Аллақачон «кечаги талаба» тамғаси бўйинга «илинганидан», тўғриси, бироз кўнглим чўккандек бўлди. Қолаверса, бу даргоҳнинг аспирантурасини ҳам тугатганман. Лекин юрагимда кечаги сабоқлар бугун жаранглагандек, бир умр жаранглайдигандек. Негаки, биз ўқишга қабул қилинган давр юртимиз мустақилликка интилаётган, ўқишни тугатишимиз эса истиқлол йилларига тўғри келди. Ана шу лаҳзалар ҳаяжони ва журналистика факультетида ўтган бу йиллар умрнинг баҳори, илм ўрганадиган фурсати бўлганлиги боис ҳам умрбод ёддан кўтарилмаса керак. Бугун ана шуларни ўйлаб бу илм даргоҳидан, таълим берган устозлардан қарздор эканлигимни яна бир бор дилдан англаяпман. Имкон даражасида кўпроқ ўрганишга ҳаракат қилдик, лекин у даврда мустақиллик иноъоми — янгича дарсликлар, чет элларда ўқиш имкониятлари йўқ эди... Айни пайтда бундай иқбол талабаларга яратилди. Бугунги таҳсил олаётган укаларимга «бу фурсатлар ғанимат, ҳар сониясидан унумли фойдаланинг, ўрганмай қолган ҳар бир дарсингиз кейинчалик сизга албатта панд беради», дегим келади. Шу кунларда университетнинг тўйи, демак, бу даргоҳда сабоқ берган, бераётган ҳар бир устознинг, унда сабоқ олган, олаётган толиби илмнинг тўйи. Тўйлар муборак бўлсин! Умрингизга, илмингизга, ижодингизга барака бersин!

Гулруҳ ДОНИЁРОВА, ЎзМУ журналистика факультети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Мактабнинг эшигидан катта ҳаёт остонасига ҳатлаётган шижоатли фарзанд камолот пиллапоялари сари илдамламоқ учун талабаликни орзу қилади. Мен ўқувчилигимдаёқ журналист бўлиб, мамлакатимиз тараққиётига ўз қаламим, эркин овозим билан ҳисса қўшишни ният қилгандим. Шу мақсадда Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ҳужжат топширдим. Талабалар сафига қабул қилинган куним ҳаётимнинг энг унутилмас онлари бўлиб қолди. Дарҳақиқат, университет талабаси бўлиш, зиммамизга кечаги мактаб ўқувчисининг тилакларидан ҳам ортиқроқ масъулият юклашини дастлабки сабоқни олган пайтимиздаёқ ҳис қилдик. Университет — бу шахсни камол топтирадиган, унга йўлланма берадиган, ўз иқтидори, қобилияти, қолаверса, имкониятларини намоён этадиган даргоҳ. Игна билан қудуқ қазишдай зўр машаққат билан олинган илм эса эртанги ёруғ келажагимизнинг ишончли гувоҳномаси янглиғ бизда янада зукколик, меҳнатсеварлик, билимга ташналик туйғуларини уйғотади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди

Кимё факультети лабораториясида машғулот



ЎзМУ маданият саройи ҳамиша талабалар билан гавжум.



ИЛМ ДУНЁСИНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим, профессор Озод ШАРАФИДДИНОВ билан суҳбат



— Муҳтарам домла, университетнинг ҳаёт ва ижодингиздаги ўрни ҳақида ўйлаганингизда кўнглингиздан қандай туйғулар ўтади?

— Ўзбекистон Миллий университети мен учун доимо онамдек азиз. Кўпроқ лотинча иборани тилга олгим келади — «алма-матер», яъни она ўрнини боса оладиган маскан, Ватанни шундай аташ мумкин. Ҳаётимнинг 60 йили жонажон университет билан, унинг қувончу ташвишларига ҳамроҳликда кечгани билан фахрланаман. У аллақачон умримнинг, ижодим ва кўнгил ҳиссиётларимнинг ажралмас қисмига айланиб кетган.

Суронли 1946 йилда ўқишга кирдим. Битиргач, 3 йил Москвада аспирантурада таҳсил олдим. Диссертация ёқлагач, яна она даргоҳга қайтдим. Университетнинг менинг тақдиримдаги ўрнини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. 40 йил дарс бердим. Лекин гап йиллардагина эмас. Унинг мазмуни, моҳиятида. Бу даргоҳ менинг маънавий улғайишим, шаклланишим ва озми-кўпми элга танилишимда асосий манба бўлган. Умуман, инсон ҳаётида илм дунёси деган бир мўъжиза борлигини билдириб, бу тенгсиз дунёга эътиқод қўйишимнинг сабабчиси ҳам у.

Университет туфайли илм — океан сингари тубсиз, чексиз олам эканлигига амин бўлдим. Дунёни, одамларни ҳар томонлама идрок қилишни, тушунишни ўргатди менга. Унинг таъсирида ўзимнинг жамиятдаги ўрнимни, одамларга кераклигимни англадим. Шунинг ўзиёқ менинг ҳаётимга катта маъно бағишлади.

Университет билан боғлиқ ҳаётнинг яна бир қирраси борки, бунга албатта тўхталишим шарт. Қайси вилоятга, ҳатто энг чекка қишлоқларга борганимда ҳам мен исми-шарифини аллақачон унутган кимдир салом бериб қаршимдан чиқишини, қайсидир йиллари унга дарс берганлигимни тўлқинланиб сўзлашини билардим. Беихтиёр зиёга, ифтихорга кўмилганингни сезасан...

— Университет устоз-шогирдлик муносабатлари шаклланиб, камолотга эришадиган маскан...

— Саволингизни тушундим. Биласизми, мен устозларимни бирон муносабат билан ёдга, тилга олишдан уяламан. Сабаби, уларни ҳеч қачон унутмаганман. Кўнгилга яқин домлаларимиз, устозларимиз билан муносабатларимизнинг энг кичик, энг майда тафсилотларигача доимо эсимда. Тўғри, хотира жуда мўрт нарса. Хоҳласанг-хоҳламасанг кимларнидир, нималарнидир унутасан. Лекин, барибир устозларнинг энг яхши сифатлари хотирада мангу муҳрланаркан. Йиллар ўтгани сайин ўнқир-чўнқирлар силлиқланиб, асосан яхшиликлар қоларкан. Кўнгил тез-тез кўмсайдиган устозлардан бири профессор Ғулом Каримов. Талабалик йиллари бизга дарс берганлар. Ўшанда ўртада бир самимий меҳр уйғонганди. Кейин кўп йиллар бирга ишладик. Аввалига кафедрамиз битта эди. Сўнгроқ янги замон адабиёти алоҳида ажралиб чиқди. Домла ўзбек адабиёти тарихи билан шуғулланардилар. Йўналишларимиз бошқа-бошқа бўлса-да, умумий раҳбаримиз деб билардик, доимо маслаҳатлашардик. Ўз соҳасини чуқур биладиган, илмга талабчан эдилар. Илмда академик услуб бор, яъни қилган ишинг, айтган сўзинг, ҳатто ҳар битта рақам устида жиддий изланишни талаб қилади у. Ғулом ака Муқимий домланинг 2 жилдлик асарини тайёрлаганлар. Бу 2 жилд шу даражада мукаммалки, ҳозир ҳам бирон жумласини ўзгартириш ёки бошқача талқин қилишга зарурат йўқ. Устоз анча қийинчиликлар, тазйиқларни бошдан ўтказганлар. Лекин ҳаётда ва илмда доимо ҳалол, камтар ва адолатли бўлиб қолганлар. Ҳаммага бирдек хушмуомала эдилар. Шунингдек, профессор Аюб Ғуломов, Субутой Долимовлар нафақат илмда, балки инсонийликда ҳам бизга ўрнак, ибрат бўлишган. Субутой ака ҳақида эслаганимда доимо кўнглим ёришиб кетади. Зиёлилардан иборат бу оиланинг ўзи кичик бир университет эди. Тўрт ака-ука олим: Субутой ака ўзбек адабиёти, Нўъмон ака география, Зиё ва Султон акалар тиббиёт фанининг ривожига улкан ҳисса қўшишган. Уларнинг ҳар бири 30-йилларнинг шафқатсизликларини бошдан кечирган, ўша давр билан бир неча марта тўқнашган. Шунга қарамай устозлик, ҳақиқий инсоннинг олий фазилатлари бор эди уларда.

Мен яна узоқ йиллар бирга ишлаган ҳамкасбларим профессор У.Норматов, А.Расулов, ёш олим Р.Қўчқоровларнинг илмий фаолиятини ҳам университет тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан деб биламан. Университет жамиятдаги жуда кўп ислоҳотлар, янгича руҳ ва янгича қарашларнинг ташаббускори. Бу бағрикенг, серфайз даргоҳга ёшларни асосан қалб эҳтиёжи етаклаб келган. Шунинг учун бизда ўқиганлар асосан истеъдодли ва қобилиятли. Университетнинг қудрати, кучи ҳам шунда. Бу жуда муҳим.

Мен фахрланадиган яна бир юксаклик бор: университет энг оғир маънавий инқироз ва тушкунлик йилларида ҳам тоза ва пок қолди. Унинг номи, шаънига доғ тушмади. У бир неча авлод учун нафақат билим, балки виждон ва оқибатдан сабоқ бергувчи маскан, қудратли манба бўлиб қолди.

Университетнинг нуфузини ундаги муҳит, дарс бергувчи домлалар ва илм олгувчи талабаларнинг салоҳияти, маънавияти белгилайди. Яқинда эшитдим, университетдан Америкага борган ёш олим у ердаги илм аҳлини лол қолдириб фалакиётга оид математик формулани яратибди. Ахир бу олий даргоҳ ташкил топган кунидан бошлаб, ўзбек илму фанини жаҳонга танитаётганининг, океан ортини ҳайратга солган ёш ўзбек олимининг томирларида Ал-Беруний, Мирзо Улуғбек қони, руҳи тирилаётганининг исботи эмасми?

Биздан фарқли ўлароқ, масаланинг тубига қараб ўрганаётган, изланаётган ёшларимизнинг кўпаяётганидан хурсанд бўламан...

Шундай вақтлар келадики, халқ, миллат ўзининг илми, маърифати, маданияти ва олимлари учун ҳеч нарсани аямайдиган имкониятларга эга бўлади. Шубҳасиз, Миллий университет ўз нуфузи, салоҳияти жиҳатидан жаҳоннинг энг машҳур ўқув масканлари сафидан ўрин олади, албатта, кучли ўнликка киради. Чунки, ҳамма даврда ҳам бу даргоҳнинг «тупроғини ялаган» мутахассисларга эҳтиёж катта бўлган.

Қутлов ўрнида эса шундай дегим келяпти: минг шукрки, тақдирим, ижодим олий мақсадларга, эзгу амалларга хизмат қиладиган муқаддас даргоҳга туташди. Ул маскан туфайли беназир устозлар, оқибатли ҳамкасблар, истеъдодли шогирдларга замондош бўлдим.

85 ёшлик ота — жонажон университетнинг 75 йиллик фарзанди сифатида доимо унинг қаршисида бош эгаман...

Суҳбатдош: Ҳулкар ҲАМРОҲ

ХАЛҚ МУЛКИГА ХИЁНАТ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПМАЙДИ

ХИРМОНДАГИ ЎҒРИЛАР

ЁКИ ЎРОКДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ, ХИРМОНДА ҲОЗИР ТЕКИНХЎРЛАР, ПАХТА ХОМАШЁСИ САҚЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЛОҚАЙД ҚАРАЁТГАНЛАР ХУСУСИДА

Шу заминда кўкарган ҳар бир гиёҳ, етиштирилган ҳосил аввало, шу ердаги халқнинг бойлиги ва у энг биринчи шу юрт фарзандларига хизмат қилиши керак. Ерни тайёрлайсиз, шудгор қиласиз, уруғ қадайсиз, кўкаргандан то ҳосилга киргунгача унга фарзандингиз каби парваришда бўласиз, парвона бўласиз. Ҳосил етиштирилгач эса ўрокда йўқ, машоқда йўқлар давлат мулкига, халқнинг ризқига чанг солади. Бундайларни ким деб, нима деб аташ мумкин? Ўғри, текинхўр, баттол десак тўғрироқ бўлад-ю аммо уларнинг хатти-ҳаракати янада оғирроқ сўзларга муносиб. Бу масаланинг маънавий томони. Қонуний томони эса тегишли жазолар билан белгиланган. Демак, кўпчилик мулкига хиёнат қилган киши гуноҳга ботиш баробарида оғир жиноят қилган ҳисобланади. Афсуски, орамизда ана шундай инсонлар озми-кўпми учраб туради. Уларга қарши курашиш, халқ мулкини асраб-авайлаш, уни талон-торож қилувчиларга аёвсиз муносабатда бўлиш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир.

Пахта, биласиз, халқимиз бойлиги ва давлат монополияси ҳисобланади. Унга сув қўйган, чопиқ қилган деҳқонлар бир четда қолиб, хирмон айланаётганлар кейинги пайтда кўпайиб қолди.

Шу боис, республика Президенти 2003 йил 23 сентябрда **«2003 йил пахта хомашёсининг сақланишини таъминлаш, нобуд бўлиши, талон-торож қилиниши ва қонунга зид ҳолда республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш ҳақида»** Фармойиш чиқарди. Фармойиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги **«2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Республика Бош прокуратураси ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда ишчи гуруҳлари тузилди. Ўтказилган тадбирлар Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари билан чегарадош бўлган айрим ҳудудларда пахта хомашёсини ўғирлаб, қонунга зид ҳолда республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетиш ҳолатлари борлигини кўрсатмоқда.

Жиззах вилояти, Мирзачўл туманидаги «Янгидала» ширкат уюшмаси ҳудудидаги айланма йўллар орқали Қозоғистон Республикаси, Еттисой тумани йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган Қ.Ешимов бошқарувида бўлган МТЗ-80 русумли, давлат белгиси 30-31 ДД рақамли трактор тўхтатилди. Трактор тиркамасидаги маккапоя тагидан нима чиқди денг, унда фуқаро Б.Эшматовга тегишли 16,1 миллион сўмлик 98 дона брезентдан тайёрланган палаткалар ва 425 кг. пахта хом ашёси яширилган экан.

Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги Янгиер қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи А.Асронов Қирғизистон Республикаси фуқароси М.Абдурахмонова билан 11 сентябрда «Учқўрғон» ширкат хўжалигида терилган 270 кг. пахтани Қирғизистон Республикасига сотишган бўларди. Агар уларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари халақит қилишмаганда.

Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалигида яшовчи F.Пўлатов эса ҳовлисида 2,2 тонна пахтани сотиш мақсадида яшириб қўйган. Албатта, бу «тадбиркорлик»нинг ҳам олди олинди. Шу тумандаги «Малик» боҳхона маскани яқинида ўтаётган арава шубҳали туюлади. Текшириб кўрилса «гап бор» экан! «Малик» ширкат уюшмасининг «Сафарота» маҳалласида яшовчи Орзиқулов ва 8 нафар шахс аравада 0,8 тонна пахтани айланма йўллар билан Қозоғистон Республикасига сотиш учун олиб кетаётган бўлиб чиқди. Бу ҳаракати уларни суднинг қора курсисига ўтказди.

Андижон вилояти, Пахтаобод туманидаги «Туркистон» ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Х.Ғофуров 2003 йил 12 сентябрь куни 220 кг. пахтани Қирғизистон Республикаси ҳудудига олиб ўтиб сотмоқчи бўлганлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми «в» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов қилинмоқда.

Албатта, кимдир бу йўлга билиб-билмай, тушуниб-тушунмай ёки бошқа сабаблар туфайли кираётган бўлиши мумкин. Биринчидан, ҳар бир фуқаро бу қишмишнинг оқибати вой бўлишини, энг асосийси ўзимизнинг бойлигимизни ўғирлаш халқимизга хиёнат эканлигини англаб олишлари керак.

Юқорида оддий фуқаролар содир этган жиноятлардан мисол келтирдик. Лекин, тушунган фуқаролар, ҳатто мансабдорлар ичида ҳам шунга ўхшаш қинғирликлар бўлиб турганлигини қандай изоҳлаш керак? «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимига қарашли баъзи корхоналар раҳбарлари ва бошқа масъул шахслари томонидан мулкка хўжасизларча муносабатда бўлиш, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ва хизмат вазифасига совуққонлик билан қараш каби жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги ўтказилган тадбирларда, афсуски, кўплаб аниқланди.

Сирдарё вилоятидаги, Боёвут пахта тозалаш корхонасига қарашли «Шарқ Юлдузи» пахта қабул қилиш масканининг товаршуноси Х.Мусурмонов моддий жавобгарлигидаги 8 тонна вата маҳсулотини фуқаро Ф.Пўлатовга 2 миллион 528 минг сўмга сотаётганда ушланган бўлса, уруғлик чигит тайёрлаш цехи товаршуноси Х.Ўринбоев жавобгарлигидаги 4 миллион 794 минг сўмлик 156,7 тонна уруғлик чигитдан анча-мунча камомад аниқланди.

Ўтказилган назорат тадбирларида пахта тозалаш заводлари, пахта тайёрлаш пунктлари ҳамда қуритиш-тозалаш цехлари ҳамда пахта етиштирувчи хўжаликлар пахта териш машиналари, транспорт тракторлари, тиркамалар ва махсус жиҳозланган юк автомобилларини мавсумга тайёрлашда бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги ҳам қайд этилмоқда.

Хусусан, Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги «Чинобод пахта тозалаш» акциядорлик жамиятига қарашли «Бўстон», «Ўрмонбек», «Гулистон» пахта қабул қилиш шахобчалари бирламчи ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланмаган.

Сирдарё вилояти «Оқолтин пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ҳудудида электр ёритиш чироқлари ишламаслиги, сув ҳавзалари сув билан тўлдирилмаганлиги, ўт ўчириш воситалари билан таъминланмаганлиги, пахта қуритиш газ мосламаси ва ҳимоя автоматикаси тўлиқ таъмирланмаганлиги учун корхона раҳбари Г.Умировга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 211-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги «Қўғай» пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг «Яшик» пахта қабул қилиш масканидаги пахта тўкиш учун мўлжалланган майдонлари таъмирланмагани, ўт ўчириш автомашинаси таъмирланмагани, ёнғинга қарши сув ҳовузига насослар ўрнатилмагани қайси меъёрга сиғади?!

Юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларига Навоий вилоятининг «Хатирчи», Наманган вилоятининг Норин туманидаги «Норин тола», Наманган туманидаги «Тошбулоқ тола», Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги «Бектемир», Бухоро вилояти, Пешку туманидаги «Пешку пахта тозалаш», Фарғона вилоятидаги «Боғдод пахта тозалаш» ва «Риштон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятлари ва уларга қарашли пахтани қабул қилиш масканларида ҳам йўл қўйилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан туман прокурорлари томонидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Пахта ҳосилини нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш ва пайҳон қилинишининг олдини олиш юзасидан тегишли чоралар кўрилаётган бўлишига қарамай, айрим хўжаликларда пахта майдонлари пайҳон қилинишига йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолатларни ҳеч оқлаб бўлмайди. Ахир деҳқоннинг пешона тери маҳсулини туёқлар тагида пайҳон қилдириш диёнат қолипига сиғармикин?

Тошкент вилояти, Бўка туманидаги «Жамбул» ширкат хўжалигининг 2,5 гектар пахта майдони фуқаролар А.Бўронов, И.Алиев, Қ.Алиев, Э.Мухторов, Ш.Халимовларнинг 22 бош, Қуйичирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигининг 0,22 гектар пахта майдони фуқаролар Т.Туякбоев ва К.Раимбековларнинг 99 бош қора моли томонидан пайҳон қилиниб, хўжаликларга 354 минг сўмлик зарар етказилишига йўл қўйилган.

Сурхондарё вилояти, Музработ туманидаги А.Икромов номли ширкат хўжалигининг 0,05 гектар пахта майдони фуқаро Н.Абдумўминовнинг 2 бош, Х.Бердиқобилов номли ширкат хўжалигининг 0,07 гектар пахта майдони фуқаро Б.Бобониёзовнинг 5 бош қора моли томонидан пайҳон қилиниб, хўжаликларга 52 минг сўм зарар етказилган.

Шу каби қонунбузилиш ҳолатлари Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган, Фарғона, Андижон ва Хоразм вилоятларида ҳам аниқланган.

Прокуратура органлари томонидан мазкур Фармойиш ва қарор ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган текшириш натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида ваколатли мансабдор шахслар ва идораларга 180 та тақдимнома киритилган, 357 нафар мансабдор шахслар қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган, 228 нафар ходим интизомий, 480 шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, 17 та жиноят иши қўзғатилган.

Бир нарсани тушуниб олмоқ керак: даладаги ҳосил ўзимизники, Ўзбекистонники, халқимизники. У ҳаммамизнинг бойлигимиз, унга кимки кўз олайтирса, аввало, халқимизнинг қаҳр-ғазабига дучор бўлади. Халқини ҳурмат қилган, элини суйган фарзанд унинг мулкига хиёнат қилмайди!

Иноят ШУКУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Ислоҳот одимлари

БОЗОР: БЮДЖЕТ ВА МОЛИЯ

ЁКИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ МУАССАСАЛАРИ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БУГУН ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Ҳозир республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга оид қатор амалий тадбирлар кўрилмоқда. Бироқ, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва бюджет ҳамда молиявий ресурсларни оқилона ишлатиш борасида назаримда, ҳали талайгина муаммолар борга ўхшайди.

Масалан, маҳаллий бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш учун бюджет муассасаларининг коммунал хизматлар ва электр энергияси таъминоти ташкилотлари ўртасидаги ўзаро шартномалар билан ажратилган жисмоний лимитлар ҳамда режалаштирилган маблағлар доирасида ҳали етарли назорат йўққа ўхшайди. Шунингдек, сув, иссиқлик, электр энергияси ва газ харажатлари ҳисобини юритиш учун ўлчов асбобларининг мунтазам ишлаши ва улардан фойдаланиш устидан ҳам доимий назорат кучайтирилиши лозим. Қолаверса, янги жорий қилинган харажатлар гуруҳидаги 4 гуруҳ харажатларида бюджетда (сметада) белгиланган (лимитдан ортиқча) харажатларга йўл қўйилиши олдини олиш борасида ҳали қатор камчиликлар бор.

Жумладан, халқ таълими муассасалари ходимлари меҳнати самарадорлигини ошириш — бажарилган иш ҳажмини уларнинг меҳнати маҳсули ва охирги натижалари билан боғланишига олиб келади. Бундай муассасалар харажатлари таркибига иш ҳақи харажатларидан ташқари кундалик фаолият таъминоти ва моддий техника база харажатлари, ҳамда мактабгача болалар муассасаларида озиқ-овқат сарфиётлари ҳам киради.

Уларни режалаштиришда асос қилиб — ҳозирги кунда синфлар ва ўқувчилар сони, болалар боғчаларига қатновчи болалар миқдори олинади. Ҳар бир кўрсаткичга тўғри келувчи (ўтган давр харажатларига кўра ҳисобланган пул маблағидан келиб чиқиб) харажат турлари режага киритилади. Ҳолбуки, ҳудудларнинг халқ таълими муассасалари билан таъминланиш даражаси, улардаги моддий-техникавий базаларнинг хилма-хиллиги ва ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаяпти.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам ҳозирча харажатларни аҳоли сонига кўра режалаштириш услуби қўлланилмоқда. Бу усул албатта собиқ иттифоқ давридаги тизимда қўлланилган усулдан бир мунча афзал. Аммо, тизим харажатларини режалаштиришда ўтган даврнинг асос қилиб олиниши ва мавжуд муассасаларни сақлаш учун харажатларни тахминан белгилаш — пировардида, унинг афзалликларини деярли йўққа чиқармоқда. Негаки, харажатларни режалаштиришда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳудудларда қарзлар шаклланишидаги фарқлар ҳисобга олинмаяпти. Ваҳоланки, ҳозирги кунда иш ҳақини белгилашнинг мазкур усули (бошқа бюджет ташкилотларида бўлгани каби) 15 фоизли моддий ёрдам фондининг иш ҳақи фондига нисбатан режалаштирилиши — соғлиқни сақлаш ходимларининг ҳам иш ҳақи миқдори ва уларни меҳнатлари натижаси билан боғлиқлигини янада оширади.

Яна бир гап: аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишда спорт харажатлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Аммо маҳаллий бюджетларнинг харажатларида бу харажатлар ҳозирча жуда ҳам оз миқдорда. Бозор иқтисодига ўтишдаги энг асосий тамойилларидан бири — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш экан, бу борадаги «кемтик» жойларга эътибор янада кучайтирилишини истардик.

«Аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш эса, — деган эди Юртбошимиз **«Ўзбекистон: иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида»** асарида, — **ўз навбатида ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир».** Айнан шу нуқтаи назардан, бугунги кунда кўп болали оилаларга давлат нафақалари ва кам таъминланган оилаларга берилаётган моддий ёрдам пули харажатлари маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилмоқда ва уларнинг (жами харажатлардаги) салмоғи муттасил ошиб бормоқда.

Бугунги кунда **бюджет сиёсатида энг муҳим вазифа — унда камомаднинг ўсиб кетишига йўл қўймаслик, харажатлар самарадорлигини ошириш ва ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ҳамда эгали бўлишига эришишдир.** Шу боисдан ҳам ислоҳотларнинг дастлабки йилларида нарх-навонинг эркинлашиши билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида биринчи даражали маҳсулотлар нархини чеклаш учун давлат халқ хўжалиги тармоқларига маҳаллий бюджетлар орқали дотациялар бериб борди. Нархлар ўртасидаги фарқни қоплаш йўлида берилган бу маблағлар аҳолининг барча қатлами учун тааллуқли қилиб ҳам қўйилди. Лекин, бу ерда яна бир жиҳати борки, турли дотацияларни қўлланилиши — **ижтимоий ҳимоя йўналишида ишлатилаётган маблағларнинг сочилиб кетишига, самараси паст бўлишига олиб келиши мумкин.** Ижтимоий ҳимоянинг бундай тури ҳозирча наздимизда аҳолининг чинакам муҳтож қатламини ҳали тўла қамраб олганича йўқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг, айниқса, бюджет ташкилотлари ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш — объектив зарурат бўлиб, давлат ижтимоий-иқтисодий жараёнларда доимо етакчи мавқеига эга бўлишини тақозо қилмоқда. Давлат ҳам ўз навбатида аста-секин маҳаллий бошқарув органларининг ҳуқуқ доираларини кенгайтириб, уларни етарли молиявий ресурсларга эга бўлишига зарур шарт-шароитлар яратиб беришга интилмоқда.

Эркин ОДИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчиси

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

● **ХДП Наманган шаҳар кенгаши** қошидаги «Сиёсат» мунозара клубининг «Вояга етмаган ёшлар нима билан машғул?» мавзуидаги навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда партия ва маҳаллалар фаоллари, мутахассислар, ўқитувчилар ҳамда ёшлар иштирок этдилар. Йиғилганлар мавзу доирасида фикр-мулоҳаза юритиб, ушбу муаммонинг ечими бўйича таклифлар билдирдилар.

● Маълумки, мамлакатимизнинг бир қанча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида Репродуктив саломатлик бўйича Ўзбекистон ассоциацияси томонидан «Доимий яшаш жойини мажбурий ўзгартирган кишиларнинг репродуктив саломатлиги ва ҳуқуқлари» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, мазкур ассоциациянинг Қорақалпоғистон филиали, **ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши** ҳамда республика «Доимий ривожланиш» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида семинар ташкил этилди. Унда лойиҳа юзасидан амалга оширилаётган ишлар, бир қатор вазифалар ҳақида сўз борди. Тадбирда сўзга чиққан республика партия кенгаши котиби вазифасини бажарувчи А.Ибодуллаев ушбу лойиҳани амалга оширилишида ОАВнинг ўрни ҳақида гапирди.

● **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши** ва «Илҳом» тарғибот-ташвиқот маркази ҳамкорлигида Косон туманидаги 90-ўрта мактабда хайрия тадбири ўтказилди. Унда вилоят партия кенгаши котиби М.Туробов сўзга чиқди ва ХДПнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ўрни, жумладан, партия МК аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ижодий фаолияти, ижтимоий-сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги иштироки тўғрисида йиғилганларга батафсил гапириб берди. Шунингдек, тадбирда «Илҳом» тарғибот-ташвиқот маркази раҳбари, шоирнинг рафиқаси Ҳ.Мустафоева ўқувчиларга ўқув қуроллари ҳамда дарслик китоблар ҳадя қилди. Тадбир сўнгида ўқувчилар шоирнинг шеърларидан ўқидилар.

● **Сирдарё туман партия ташкилоти** ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида «Малик» ширкатлар уюшмаси маданият саройида ёшлар анжумани ўтказилди. Тадбир ёшлар маънавияти ва миллий урф-одатларга бағишланиб, булар ҳақида йигит-қизлар баҳс-мунозарага киришдилар. Йиғилиш сўнгида «Муҳаббат синовлари» бадиий фильми намойиш этилди.

● Олий Мажлис XII сессияси ҳужжатларини ўрганишга бағишлаб, **ХДП Янгиқўрғон туман кенгаши** «Янгиобод» ҳудудий партия ташкилоти негизида қизиқарли суҳбат уюштирди. Унда асосан ёшлар иштирок этиб, уларга сессияда қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти ҳақида тушунтиришлар берилди.

● **Қорақўл туман партия кенгаши** ва «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида 40 нафар фахрийларнинг Самарқанд вилоятининг муқаддас жойларига сафари уюштирилди.

● **ХДП Меҳнатобод туман кенгаши** тумандаги Охунбобоев, «Пахтакор» ширкат хўжаликларида «Обод маҳалла йили»га бағишланган тадбирларни ўтказди.

● **Урганч тумани**даги Ўзбекистон — Туркия «Хоразм Нуртон» қўшма корхонаси ходимларини бирлаштирган БПТнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда корхона раҳбари П.Сафаров, ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Б.Бобожоновлар Олий Мажлис сессияси якунлари ва партия ташкилотининг олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида сўзга чиқдилар. Шунингдек, корхона ишчиси, ХДП аъзоси М.Раззоқованинг «Дўстлик» орденига сазовор бўлганлиги муносабати билан партия Марказий Кенгашининг табрик хати орден соҳибига топширилди.

Шунга ўхшаш тадбирлар ХДП Хоразм вилоят, Пешку туман кенгашлари томонидан ҳам ўтказилди.

XORIJDA

Полицияга қарши газ қўлланди

Греция ҳарбийлари Афинадаги Молия ва иқтисодиёт вазирлиги биноси олдида 2 соатдан бери намойиш ўтказаётган полициячиларни кўздан ёш оқизувчи газ қўллаб тарқатиб юборди. Дастлаб намойишчилар 200га яқин эди. Кейинчалик ўт ўчирувчилар ва соҳил қўриқчилари ҳам уларга келиб қўшилдилар. Улар хавфли хизмат учун маошга қўшимча пул ҳамда хизмат пайтида ҳалок бўлган сафдошларининг оилаларига компенсация тўланишини талаб қилиб чиқдилар.

Намойишчилар сўзларига қараганда, дейилади AFP агентлиги ахборотида, тўқнашув натижасида намойишчилардан айримлари жароҳат олиб, шифохонага тушган.

Маълум бўлишича, норозилик намойиши уч кун давом этиши керак эди. Аммо... Энди улар нима қилишларини билмай боши қотган.

Авиаалоқа қайта тикланмоқда

Associated Press агентлигининг хабар беришича, Вьетнам ва АҚШ маъмурияти авиаалоқани тиклаш борасидаги ўзаро келишув йўлидаги саъй-ҳаракатларни маъқулладилар.

Маълумки, Вьетнамдаги урушдан сўнг бу икки давлат ўртасидаги алоқалар узилган эди.

Вьетнам фуқаро авиацияси бошқармаси берган маълумотларга кўра, ҳозир ўзаро келишув битимлари устида иш олиб борилмоқда. «Дастлаб тижорат йўналишидаги учишлар тикланади. Сўнг битим кучга киргач, йўловчи ва юк ташув парвозлари ҳам амалга оширилади» деди АҚШ давлат департаменти вакили Ричард Баучер.

«Сувни хусусийлаштириб бўлмайди»

Ичимлик суви муаммоларига бағишлаб Бразилиянинг Порт-Алегри шаҳрида давом этаётган бутунжаҳон форумида Бутунжаҳон сув конвенцияси имзоланиши учун саъй-ҳаракат олиб бораётган Рикардо Пиррели (Италия) бу ҳақда баёнот берди. «Қуёшни, ҳавони хусусийлаштириб бўлмаганидек, сувни-да хусусийлаштириб бўлмайди. Бу Бутунжаҳон сув конвенциясида аниқ ифодасини топиши керак» деди у.

Дарҳақиқат, мазкур форумда сув заҳираларини хусусийлаштириш масаласига иштирокчилар алоҳида эътиборни қаратдилар. Бироқ унга қарши фикр билдирганлар ҳам кўпчиликни ташкил этди.

Форумда 17 мамлакатдан келган 2 мингдан ортиқ олиму мутахассис, сиёсатдону иқтисодчи ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашмоқда.

Форумда, шунингдек, фанда, соғлиқни сақлашда, қишлоқ хўжалиги ва балиқчиликда сув заҳираларидан фойдаланиш муаммолари ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан атрофлича муҳокама этилди.

Мазкур тадбир бугун ўз ишини якунлайди, дея хабар беради «Новости» агентлиги.

Еврокомиссия чекишга қарши

Еврокомиссия жамоат жойларида, яъни Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ҳудудларидаги барча ресторан, бар, кафеларда чекишни қонуний тақиқлаш борасидаги масалани кўриб чиқмоқда, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

Соғлиқни сақлаш комиссари Дэвид Бернинг таъкидлашича, Еврокомиссия шунингдек, иш жойларида ҳам чекишни тақиқлашни кўзлаб турибди. Маълумки, бундай тақиқловлар АҚШнинг кўплаб шаҳарларида амалга жорий этилган. Хусусан, нафақат Нью-Йорк шаҳрида, балки бутун Нью-Йорк штатида ҳам чекиш қонуний тақиқланган. Яқинда эса БМТ Бош ассамблеяси ўзининг бош қароргоҳида чекишни тақиқловчи қарор қабул қилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Европа Иттифоқи ҳудудида бундай тақиқловни мажбурий жорий этишга Еврокомиссиянинг ваколати йўқ. Шунинг учун ҳам у мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлашларини сўраб Европа Иттифоқига аъзо давлатлар парламентларига мурожаат этди. Ҳозирча Ирландия ушбу мурожаатга «лаббай» дея жавоб берган бирдан-бир давлатдир.

Экспертларнинг фикрича, янги қоидани жорий этиш Ғарбий Европага қараганда Шарқий Европада анча оғир кечиши мумкин экан. Негаки, бу ўлкада тамаки маҳсулотларига бўлган эҳтиёж анча юқори. Бироқ Ғарбий Европада ҳам чекишни тақиқлаш осон иш эмас. Радио, интернет ва матбуот нашрларида тамаки маҳсулотлари рекламаси тақиқловини бекор қилиш ҳақидаги Германиянинг Европа судига мурожаатининг ўзиёқ бу иш осон кечмаслигини кўрсатиб турибди.



Лекин нима бўлгандаям қуйидаги маълумотномани эслаб ўтиш ўринли. Олимларнинг ҳисоб-китоб қилишларича, 2000 йилнинг ўзидаёқ чекишдан орттирган касаллиги туфайли дунё бўйича 5 миллион киши оламдан кўз юмган. Бу ҳақда тиббиётчиларнинг Lancet журнали тадқиқот-мақола эълон қилган. Маълум бўлишича, дунёдан кўз юмганларнинг тўртдан уч қисмини эркаклар ташкил этиб, унинг 84 фоизи ривожланаётган давлатларга тўғри келаркан, яъни дунёда 1,1 миллиард кашанда борлиги қайд этилган бўлса, шундан 930 миллиони ўша давлатлар ҳисобига тўғри келади.

Олимларнинг сўзларига қараганда, ўлганларнинг асосий қисми кашандалик орқасидан орттирган юрак ва ўпка касалликларидан нобуд бўлган.

Демак, Еврокомиссиянинг чекишни тақиқлаш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш соғлом турмуш тарзини шакллантиришни хоҳлаган давлатлар учун ўта муҳимдир.

Мактаблару боғчалар ёпилмади

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида Петропавловск-Камчатскийдаги мактаблару боғчалар иссиқлик манбаи билан таъминланмаётгани боис шу ҳафтанинг пайшанбасидан эътиборан ёпилиши ҳақида «Новости» агентлигининг ахборотини берган эдик.

Куни кеча мазкур агентлик яна шу жойдан хабар берди. Унда қайд этилишича, чоршанба куни давлат санитария эпидемиология назорати жойларда рейд ўтказган. Маълум бўлишича, ўлкадаги 80 фоиз мактаб ва боғча иссиқлик манбаи билан таъминланмаган. Уларда ҳарорат 8-14 даража оралиғида. Аслида меъёр 20-22 даража. Бироқ мактаблару боғчалар ёпилмади, балки бошқа чоралар кўрилди, яъни дарслар 30 дақиқага туширилди, дарс давомида муаллимлар ўқувчилар билан танани қиздирувчи жисмоний машқлар бажариши тавсия этилди. Шунингдек, болаларга бериладиган иссиқ ичимликларни кўпайтириш ва хоналарга иситиш печкалари ўрнатишга, боғча болалари эса кийимлари билан ётишига рухсат этилди.

Долзарб мавзу

ОБИ ҲАЁТ

ДУНЁНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОСИ — СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ҚАНДАЙ БАРҲАМ БЕРИШ МУМКИН? БУНДА БИЗ — ИНСОНЛАР НИМАЛАРГА АМАЛ ҚИЛМОҒИМИЗ ЛОЗИМЛИГИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дунё аҳолисининг сувга бўлган талаби, айниқса, шаҳарларда ўн баробарга ошган, шаҳар аҳолиси кўпайгандан кўпайиб бир кеча-кундузда бир киши бошига сув сарфиёти 300-500 литргача етмоқда. Ваҳоланки, мутахассис олимлар берган маълумотларга қараганда бир киши учун бир кунда ўртача 25 литр сув етарли экан.

Табиатда ҳамма оқар сувлар ҳам бошланғич манбаларида тоза бўлади, асосий манбадан узоқлашган сари улар ифлосланиб, истеъмол учун яроқсиз ҳолга келади. Бунга оқар сувларга тушадиган саноат чиқиндилари, коммунал хизматнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги асосий сабаб бўлади. Ўзбек халқи қадимдан сувнинг қадрини яхши тушунган, оқар сувларни ифлослантирмаслик учун тарбиявий ишлар олиб борган, подшоликлар томонидан ҳар бир шаҳар ва қишлоқларда миробчилик ишлари йўлга қўйилган, чўлу сахроларда қудуқлар қазилиб, саробалар бунёд этилган. Лекин табиат ҳам ўз ҳукмини ўтказиб келган: не-не шаҳарларимиз қурғоқчилик ва сувсизликдан ер юзидан йўқ бўлиб кетганлиги тарихдан маълум.

Бирлашган миллатлар Ташкилоти 2003 йилни — чучук сув йили деб эълон қилди. Ушбу обрўли ташкилотнинг инсониятни сув муаммоларидан огоҳлантириши беҳуда эмас, чунки сайёрамизнинг кўп жойларида энг бебаҳо, ҳаёт кечириш учун энг зарур бўлган — сувга нисбатан катта эҳтиёж сезилмоқда.

Бугунги кунда ер сайёраси аҳолисининг учдан бир қисми турли минтақаларда сув ресурсларига нисбатан ўта оғир муҳтожликни бошдан кечирса, озгина қисм аҳоли эса меъёрдагидан сал кўпроқ сув сарф қиларкан. Мутахассислар фткрича агар яқин вақтлар ичида тегишли чоралар кўрилмаса, 2005 йилга келиб Ер юзи аҳолисининг учдан икки қисми сув танқислигига дучор бўлади!..

Ер юзи аҳолисининг бешдан бир қисми тоза ичимлик сувидан маҳрум. Ҳар куни 6000 киши, энг ёмони, ривожланаётган мамлакатлар болалари санитария-гигиена ҳолатига мутлақо тўғри келмайдиган сув истеъмол қилганликлари туфайли ҳалок бўлмоқдалар.

Денгиз ва дарёларга оқова сувлари тушиши туфайли уларнинг ифлосланиши ортиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги танқисликнинг бирданига ҳуруж қилишига олиб келди. Ифлосланган сувдан тутилган моллюскалардан тайёрланган овқатни истеъмол қилиш натижасида йилига 2,5 миллион киши юқумли сариқ касаллигига чалиниб, улардан 25 минг киши ҳалок бўлмоқда.

Ер юзидаги дарёларнинг ярмига яқини жиддий ифлосланган, уларнинг ресурслари тугаб бормоқда. Ер шаридаги ботқоқликлар майдони ва ички сув ресурслари қисқармоқда. Шу жумладан, Орол денгизи ва Месопотамия ботқоқликлари кескин қисқариб, энг аввало, инсоннинг ўзи ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси учун экологик муаммоларни туғдирмоқда. Буларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғликдир.

Икки миллиард киши, яъни ер юзи аҳолисининг учдан бир қисмига яқинининг ҳаёти ер ости сувлари ресурсига боғлиқ. Айрим мамлакатларда, масалан, Ҳиндистон, Хитой, Ғарбий Осиё, Араб ярим роллари, собиқ Совет иттифоқи мамлакатлари ҳамда Америка Қўшма Штатларининг ғарбий минтақаларида ер ости сувлари заҳиралари кескин камаймоқда.

Кўпчиликнинг Ер юзидаги сув ресурслари косасининг тезда яримлаб қолади, деган фикри ажабланарли эмас. Инсониятнинг келажакда бутун дунё сув ресурслари туфайли ҳалқаро баҳс ва жанжалларга дучор бўлиш хавфи кўпроқ... 2050 йилга келиб ер юзи аҳолиси икки миллиарддан саккиз миллиардгача кўпайиши кутилмоқда, об-ҳавонинг глобал исиб кетиши натижасида табиатда турли хил хавф-хатарлар, қурғоқчилик юз бериши мумкин.

Илм-фан шуни тан оладики, агар келажакда озиқ-овқат маҳсулотлари, металлар етишмаса, улар ўрнини бошқа кимёвий усуллар билан яратилган маҳсулотлар босиши мумкин, лекин сувнинг ўрнини бошқа бирон-бир нарса босолмайди. Шу боис ер юзида ичимлик сувининг камайиб бораётганлиги — ўта оғир хавфларни туғдирмоқда. Бу эса ичимлик сувининг турли хил химикатлар, ер ости, ер устидаги дарё ва кўллар сувининг ифлосланиши натижасида келиб чиқмоқда.

Сувга бўлган ваҳшийларча муносабат бу фақат табиатни булғаш, ифлослантиришгина эмас, балки, инсоният учун улкан маънавий зарар ҳамдир. Қадимда, айниқса, аждодларимиз сиғинган зардуштийлик динида ҳам, ислом динида ҳам сувга нисбатан катта ҳурмат кўрсатилган, ҳатто сувга туфлаш, унга ахлат ташлаш катта гуноҳ ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз оқар сувлардан, ариқ ва булоқлар, ҳовузлар сувидан бемалол истеъмол қилишган.

Албатта, келгусида халқимизнинг соғ-саломатлиги, келажаги бевосита тоза ичимлик суви билан боғлиқ, лекин шуни унутмаслик керакки, кейинги йилларда тоғларга қор кам тушмоқда, бу нинг устига тоғ зоналаридаги сув заҳирасини тўпловчи ўрмонзорлар, арчазорлар аёвсиз қирқиб-кесилмоқда, дуч келган жойдан артезиан қудуқлар қазилиб, ер ости сувлари зўрлик билан тортиб олинмоқда!..

Тоза ичимлик суви борасида республикамизда катта тадбирлар қилинди ва улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш йўлида Оролбўйи аҳолисининг экологик шароитини яхшилаш учун катта ишлар амалга оширилди — 243 километрлик Туямўйин — Нукус сув иншооти қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир Мўйноқ атрофидаги кўлларни сув билан тўлдириш устида ишлар қизғин бормоқда.

Албатта, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиши ҳамиша Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида бўлиб келган. Бу борадаги ишларни йўлга солиш учун «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури тўғрисида»ги қарор амалга оширилмоқда. «2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида сув таъминотини ривожлантиришнинг янги меъёрий ва технологик асослари» ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилди. Илгариги бундай ҳужжатлар эскиргани туфайли эндиликда ичимлик сувини тежаш ҳамда унинг сифатини яхшилашнинг аҳоли зич яшайдиган жойлардаги ва кўп қаватли уйлардаги, қишлоқлардаги ҳолати тубдан ўзгармоқда. Хонадонларга янги сув ўлчагичлар ўрнатилишидан ташқари, сувнинг сифатига катта эътибор қаратилмоқда, узоқ йиллар ишлатилган қувурлар ортиқча моддалардан тозаланмоқда. Шу билан биргаликда қуйидагича мулоҳазалар бор: ичимлик суви туфайли келиб чиқадиган юқумли ичак-ошқозон, сариқ касаллиги, буйрак ва сийдик йўлларида тош пайдо бўлишини тиббий нуқтаи назардан туриб ҳар бир вилоят ва шаҳарларда изчил ўрганиб чиқиш ва бундай касалликларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Бу ишларга ичимлик суви назорати билан шуғулланувчи мутасадди ташкилотлар — Давлат санитария-эпидемиология назоратининг Республика ва ҳудудий марказлари, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимлик ва ўрмон хўжаликлари бош-қош бўлмоғи лозим.

Ичимлик сувини муҳофаза қилишнинг энг асосий шартларидан бири — уни тежаб-тергаб сарфлаш эканлигини ҳеч биримизнинг асло унутишга ҳақимиз йўқ. Чунки, сув — бу ҳаёт, тириклик дегани! Инсон оч қолганида 25-30 кун яшаши мумкин, лекин сувсиз нари борса 5-7 кун умр кечирар экан.

Дунё тарихида мамлакатлар ўртасида сув туфайли кўплаб урушлар келиб чиққанлиги барчага аён. Бунинг сабаби, айрим дарёлар бир эмас, икки эмас, кўплаб мамлакатлар сарҳадини кесиб ўтишидадир. Европадаги биргина Дунай дарёси ўн етти мамлакат ҳудудидан кесиб ўтар экан. Исроил ва унга қўшни Араб мамлакатлари ўртасида 18 марта қуролли тўқнашувлар сув туфайли содир бўлган. Шунинг учун ҳам XXI асрда давлатлар ўртасида «сув жанглари» келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида БМТ томонидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон тарихида сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида кўпгина бугунги кун учун ҳам ибратли ишлар амалга оширилган. Масалан, сувнинг бекорга ерга сингиб кетиши ва унинг тозалигини ўйлаб мўғуллар истилосигача Самарқанд шаҳрида сув қўрғошин ариқлар (жўйи ариқ)дан фойланилган. Қишки ва баҳорги сувлар — Хонбанди, Гиштбанди, Зарбанди каби сув омборларига тўпланиб, ёзда улардан деҳқончилик мақсадларида фойдаланилган. Бугунги кунга келиб Амударё, Сирдарё ва бошқа дарёларимиз сувидан қанчадан-қанча сув иншоотлари, янги ўзанлар, каналлар пайдо қилинган. Лекин уларнинг барчасида ҳам сувдан кўнгилдагидек унумли фойдаланиляпти деб бўлмайди...

Ўзбекистон аҳолисининг 95 фоизи бутун республика ҳудудининг 10 фоизига яқинини ташкил қиладиган — суғориладиган, яъни умумий майдони 4,3 миллион гектардан иборат ҳудудларда истиқомат қилишади, шунинг учун ҳам халқимиз «Сув йўқ жойда — ҳаёт йўқ» деб бекорга айтмайди.

Мамлакатимизда ҳар йили етмиш миллиард кубометр сув истеъмол қилинади. Унинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланса, қолгани аҳоли эҳтиёжларига ишлатилади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилга бориб мамлакатимиз аҳолиси 31 миллион кишига етиши, мавжуд сув заҳираларининг ҳажми эса 15-20 фоиз камайиши кутилмоқда.

Инсон онадан туғилиши билан уни сувда ювинтириб, она замин тупроғини суркашади, инсонни сўнгги йўлга кузатаётганда ҳам қабрга сув билан ювиб-тараб қўйишади, инсон жон таслим қилаётганда эса оғзига сув томизиб туришади. Инсон бу дунёда узун- қисқа умр кечирадими, унинг ҳаёти бирибир бевосита сув билан боғлиқ. Демак, ана шу она табиат инъоми бўлмиш — оби ҳаётнинг қадрига етайлик, оби ҳаётимизни асраб-авайлайлик, биродарлар!

Барот БОЙҚОБИЛОВ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Navbatchi Shohaydar MIRHABIBOV
Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 961
7662 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.40
1 2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA

?! ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб берди.

Савол: Никоҳ тузишда қандай тартиб ва қоидаларга риоя этилади?

Б. Абдураззоқов, Фарғона вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш тартиби ва қоидалари белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, шаръий йўл билан диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий жиҳатдан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Мамлакатимизда никоҳ ёши куёвликни ихтиёр этган эркаклар учун ўн саккиз, келинлик рутбасига ризолик билдирган аёллар учун ўн етти ёш қилиб белгиланган. Лекин, узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳ ёши никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра уларнинг никоҳи давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман (шаҳар) ҳокими томонидан кўпи билан бир йилга камайтирилиши мумкин.

Савол: Қайси ҳолатлар никоҳ тузишга монелик қилади?

Э.Жўраев, Қашқадарё вилояти.

Жавоб: Қуйидагилар ўртасида никоҳ тузиш мумкин эмас: башарти, никоҳга кирувчи тарафлардан бири рўйхатга олинган пайтда никоҳда турган шахслар ўртасида; насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида; туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида;

Фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида.

Бундан ташқари, никоҳга кирувчи тарафлардан лоақол бири руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда улар ўртасида ҳам никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Савол: Оила қурмоқчи бўлган шахслар — келин-куёвлар никоҳга қадар тиббий кўрикдан ўтишлари шартми?

Б.Жабборов, Наманган вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига асосан, мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш юзасидан олиб борилаётган кенг қамровли сиёсатнинг ёрқин ифодаси сифатида никоҳланувчи шахсларни уларнинг ўз розилиги билан тиббий кўрикдан ўтказиш қоидаси жорий этилган.

Никоҳланувчи шахсни бундай кўрикдан ўтказиши натижалари шифокор сири ҳисобланади. Шундай экан, тиббий кўрик натижаси никоҳланувчи иккинчи тарафга кўрикдан ўтган тарафнинг розилиги билангина билдирилиши мумкин.

Никоҳланишни ихтиёр этганлардан бири ўзида таносил касаллиги борлиги ёки одамнинг иммунитет тақчиллиги вируси билан касалланганлигини иккинчи тарафдан яширган бўлса, бехабарлиги оқибатида никоҳга кирган шахс никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

ҚУТҚАРУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

2001 йилдан бошлаб ҳар йили октябрь ойининг иккинчи чоршанбасини «Табиий офатлар хавфини камайтириш халқаро куни» деб нишонлаш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси қарор қабул қилган.

Шу муносабат билан дунёнинг барча мамлакатлари қаторида Ўзбекистонда ҳам бундай тадбир ўтказиш режалаштирилиб, яқинда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қидирув-қутқарув тузилмаларининг республика мусобақасини уюштирди. Мусобақа шартларига кўра, кучли ер силкиниши натижасида вайронага айланган кўп қаватли бинолардан жабрланганларни махсус арқонлар ёрдамида хавфсиз жойларга олиб тушиш ва уларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш машқлари намойиш этилди.

Навбатдаги босқичда эса, табиий офат туфайли жабрланган одамларни сувдан хавф-хатарсиз олиб ўтиш бўйича мусобақа ўтказилди.

8 октябрь куни ғолибликни қўлга киритган Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчилари (1-ўрин); Чирчиқ шаҳридаги махсус тезкор отряд (2-ўрин) ҳамда Республика кўп тармоқли тезкор ҳаракат маркази қутқарув гуруҳи (3-ўрин)га эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

Қутқарувчилар мусобақаси ниҳоясига етгач, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ўтказилиб, ФВВнинг масъул ходимлари журналистларнинг қизиқтирган барча саволларига атрофлича жавоб беришди.



Суратда: машқлар пайти.

Азамат СУЮНОВ

КАШФИЁТЛАР МАЙДОНИ



Пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида бир ҳафтадан буён давом этаётган «Tashkent open» халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди. Мукофот жамғармаси 140.000 АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу мусобақада дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидан теннисчилар баҳс юритмоқда.

Турдан турга кучлиларни саралаётган мусобақанинг барча баҳслари мухлислар эътиборида. Юртимизда саккизинчи маротаба ўтаётган бу нуфузли турнир дунё ракетка усталарини яна бир бор синовдан ўтказмоқда.

Кеча жуфтлик учрашувларининг ярим финал ўйинлари ўтказилди: Дария Кустава(Белорусия)/Елена Татаркова(Украина) — **Татьяна Пучек**(-Украина)/**Юлия Бейгелзимер**(Белорусия) — 4/6, 4/6, **Тинг Ли/Тиан Сун**(иккаласи ҳам Хитойдан) — Эммануэл Галиарди(Швейцария)/Анжелика Вижайя(Индонезия) — 6/1, 6/3.

Турнир ғолиблари эртага аниқланади.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: мусобақа қатнашчиси белорусиялик Татьяна Пучек.

Интер-спорт

Финалчилар аниқланади

«Евро — 2004» чемпионати саралаш учрашувларини якунланиши муносабати билан Европа футбол уюшмаси қуръа ташлаш тадбирини душанба куни ўтказишга қарор қилди. Гуруҳлардаги сўнгги учрашувлар бугун бўлиб ўтади.

10 жамоа орасида 2-ўринни эгаллаганлардан 5 та жуфтлик таркиб топади. Ана шу жуфтликларнинг энг кучлилари Португалияда ўтказиладиган Европа чемпионати финалига борадилар. Финалчини аниқлаш бўйича плей-офф қуръа ташлаш маросими Франкфурт шаҳрида бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, УЕФА сентябрда бўладиган бундай тадбир вақтида жамоаларнинг бир-онтасига алоҳида эътибор бермасликни таъкидлаган. Шунинг учун, қуръа ташлаш жараёнида 10 та жамоанинг номи битта идишга солинади. УЕФАнинг фикрича, шунда қуръа ташлаш маросими содда ва холис ўтади.

Полиция футболчини қўйиб юборди, аммо...

Англиянинг «Лидс Юнайтед» клуби ҳужумчиси Жоди Моррисни полиция қўлга олган эди. Футболчи 20 ёшли аёлни гуруҳ бўлиб зўрлашда қатнашганликда айбланган. Лекин Моррис гаров эвазига озодликка чиқарилди. Тергов ишлари эса давом этмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, Англия футболчилари бунақа жиноятни биринчи марта содир этаётгани йўқ. Хусусан, ўтган ҳафтада Британия газеталари 17 ёшли қизни саккиз киши зўрлагани ҳақида кўп ёзишди. Ана шу айбдорлар орасида Англия терма жамоасининг футболчиси Кирон Дайер ҳам бор экан.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Йиқилган курашга тўймас

«Тўкилган тўлмас, Йиқилган тўймас»; «Ютқазган ўйинга тўймас, Йиқилган — курашга»; «Йиқилган курашга тўймас, Уялган тек турмас»; «Йиқилган ерга тўймас». Бу мақолларни бирор ишнинг уддасидан чиқа олмаган бўлса ҳам, ҳадеб беҳуда уринаверадиган одамга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. Бундай одамни беҳуда уринмасликка ундаганда «Йиқилсанг, ерга ёпиш» деган мақолни ишлатадилар.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

Ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари биржа савдоларини ўтказади.

Савдоларга қуйидагилар қўйилади;

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «ТТЗ» даҳаси, 2-мавзе, Белоножко кўчаси, 2-уйда жойлашган 9 қаватли ётоқхона биноси (А ва б блокдан ташкил топган).

Бошланғич баҳоси — 133 181 000 сўм.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Шайхонтоҳур тумани Самарқанд дарбоза кўчаси, Ариқнинг берк кўчаси, 17-уйда жойлашган 29-сонли болалар боғчаси.

Бошланғич баҳоси — 16 850 500 сўм.

Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 9-уйда жойлашган «KOMMUNAL QURILISH» давлат унитар корхонаси (мол-мулклари билан).

Бошланғич баҳоси — 1 308 900 сўм.

Мирзо Улуғбек тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Мирзо Улуғбек тумани, Доғистон кўчаси, 56-уйда жойлашган «Қурилиш-таъмирлаш корхонаси» (мол-мулклари билан).

Бошланғич баҳоси — 2 159 900 сўм.

Шайхонтоҳур тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 617-уйда жойлашган «Таъмирлаш-қурилиш бўлими» шўъба корхонаси.

Бошланғич баҳоси — 13 482 000 сўм.

Тошкент Давлат Медицина институтига қарашли, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Хўжаев кўчаси, 42-уйда жойлашган. фойдали майдони 5333,0 кв. метр бўлган, 4 қаватли, собиқ 7-сонли ётоқхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 125 334 300 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларини назорат қилиш миллий маркази ҳисобида бўлган ULV3L3IBDVA015279 рақамли «Нексия» русумли автомобиль кузови.

Бошланғич баҳоси — 990 286 сўм.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1А-уйда жойлашган хўжалик ҳисобидаги «Ўқув-методик маркази» мулки (биносиз) ва айланма активлари.

Бошланғич баҳоси — 671 800 сўм ёки 966 АҚШ доллари.

«SUVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 9-уйда жойлашган кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз).

Бошланғич баҳоси — 564 000 сўм ёки 1 324 АҚШ доллари.

Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 6-мавзе, 8-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 441,83 кв.м. бўлган собиқ 6-сонли тиш даволаш поликникаси.

Бошланғич баҳоси — 5 590 800 сўм.

«TOSHSHAHARNUR» давлат унитар корхонасига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Мирзо Ҳайдар кўчаси, 3-уйда жойлашган, «ELEKTRMONTAJ SOZLASH BOSHQARMASI» мол-мулклари (биносиз).

Бошланғич баҳоси — 16 380 700 сўм.

«PENT-US» масъулияти чекланган жамият шаклидаги С.Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси, 30-берк кўча, 79А-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси Низом жамғармасининг 43,5 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич баҳоси — 1 319 330 500 сўм.

«EL TEG» (Монтаж тузатиш бошқармаси) масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич баҳоси — 13 839 500 сўм.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Сағбон Тарих тор кўчаси, 43-уйда жойлашган хусусий тадбиркор «Джаҳангиров Ҳ.Ҳ.» 2003 йил 5 октябрдан ўз иш фаолиятини

ТУГАТДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Телефон: 29-07-96